

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“АВТОМАТИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

“Тасдиқлайман”  
“Автоматика ва электротехнология”  
факультети декани  
доц. Н.Тўйчибоев

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2012

“Ҳимояга қўйилди”  
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”  
кафедраси мудири профессор  
А.Абдуллаев

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2012

**Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишнинг  
назарий-ҳуқуқий асослари мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**БАЖАРДИ:** Дехқонов Дилмурод

**ИЛМИЙ РАҲБАР:** П.Чинбердиев

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** 1. “ХАЛҚ банки” балиқчи филиали  
2. “Агробанк” балиқчи филиали

АНДИЖОН-2012

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b><u>3</u></b>
<b>1- боб Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари</b>	
1.1. Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади, аҳамияти ва зарурати.....	<b><u>8</u></b>
1.2. Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини меъёрий – ҳуқуқий асослари.....	<b><u>16</u></b>
1.3. Тижорат банкларида даромад ва харажатларнинг туркумланиши.....	<b><u>23</u></b>
<b>2-боб ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби</b>	
2.1 Тижорат банкларда даромадларни тан олиш ва уни ҳисобини ташкил этиш тартиби.....	<b><u>33</u></b>
2.2 Тижорат банкларида харажатларни тан олиш ва уни ҳисобини ташкил этиш тартиби.....	<b><u>38</u></b>
2.3 ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби.....	<b><u>44</u></b>
2.4 ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида банк самарадорлигини яхшилаш йўллари ва имкониятлари.....	<b><u>55</u></b>
<b>Ҳулоса ва таклифлар.....</b>	<b><u>61</u></b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....</b>	<b><u>64</u></b>

## Кириш

### Малакавий битирув иши мавзусининг долзарблиги.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделини ҳаётга тадбиқ этилиши ҳар бир соҳада ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос, ўзига мос модел асосида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда сезиларли ютуқларга эришилганини халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳо берилиши, олиб борилаётган ислохотлар нечоғлик тўғри ва оқилона эканлигини исботламоқда. Жумладан, банк-молия тизимида олиб борилган иқтисодий ислохотларни самарасини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Жаҳон тажрибасидан бизга маълумки, банк тизими нечоғли ривожланса, бозор иқтисодиёти шунчалик самарали бўлади. Чунки, иқтисодиётни бозор қонунлари асосида бошқариш жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи механизмлардан бири тижорат банклари ҳисобланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида банк хизматидан фойдаланувчи субъектларнинг фаолият доираси ва турли туманлигини инобатга олиб, банклар миқознинг қандай фаолият билан шуғулланишидан қатъий назар унинг ҳамкори сифатида тўлақонли фаолият олиб бориши учун замонавий банк хизматларини тадбиқ этишлари зарур ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари ўз фаолиятларини замонавий банк хизматидан фойдаланган ҳолда ташкил этмоқдалар. Жумладан, банкларнинг замонавий хизматларига лизинг операциялари, янги кредит шакллари, факторинг хизматлари ва бошқа банк хизматларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу эса банклар миқознинг ҳамкори сифатида фаолият олиб бориши учун замин яратмоқда ва ноананавий банк даромадларига эга бўлмоқдалар.

Президентимиз И.А. Каримов томонидан “банк тизими ислохотлар жараёнида локоматив вазифани ўташи, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ишини қайта кўришга ва бозор механизмларини дадиллик

билан эгаллашга ундовчи восита бўлиши лозим”<sup>1</sup> деб мустақилликни дастлабки йилларида ҳақли равишда таъкидланганидек, бугунги кунда тижорат банклари иқтисодий ривожлантиришда лақоматив вазиқасини ўтамоқда. Бу эса банк тизимини мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунда республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни оғирлик маркази банк-молия тизимига юкланмоқда. Чунки иқтисодий модернизациялаш шароитида корхона ва ташкилотларни кредит ресурслари билан таъминлашнинг аксарият қисми тижорат банклари орқали амалга оширилмоқда. Ушбу корхона ва ташкилотларни кредит ресурслари билан таъминлашда банклар ўз таваққалчилиги асосида ўз ва четдан жалб қилинган маблағлар асосида кредит бермоқдалар ва белгиланган даромадни олмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташкил этилган банк тизимида тижорат банклари унинг муҳим бўғини сифатида намоён бўлади. Тижорат банкларининг мувоффақиятли фаолият юритишлари ва рақобат бозори ривожланиб бораётган бугунги кунда, ўз ўринларини топишлари учун фаолиятларини тўғри ҳисобга олиб боришлари ва мунтазам равишда таҳлил қилиб туришлари лозим. Чунки, фақат тўғри амалга оширилган бухгалтерия ҳисоби, чуқур ва атрофлича ўтказилган таҳлил натижасидагина ўз фаолиятларида йўл қўйган хато ва камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳамда эришилган ютуқлар аниқлашлари мумкин.

Тижорат банклари ўз фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва уларни таҳлили қилиш жараёнида катта эътиборни улар фаолиятида асосий ўрин тутувчи даромадлар ва харажатларга қаратадилар.

Тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва бошқа операцияларни тўғри ҳисобини юритиш ҳамда даромад олиш жараёнидаги харажатларни камайтириш ҳисобига фойдани ошириш имкониятлари

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.

яратилади. Банк томонидан қилинган харажатларни камайтириш имкониятларини қидириб топиш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

**Битирув малакавий ишининг мақсади** тижорат банкларида молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартибини ўрганиш, уни такомиллаштириш йўллари қидириб топиш ҳамда илмий асосланган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қуйилган мақсадга эришиш учун ушбу битирув малакавий иши доирасида қуйидаги асосий вазифалар бажарилди:

- Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади, аҳамияти ва зарурати билан танишиш;
- Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини меъёрий – ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- Тижорат банкларида даромад ва харажатларнинг туркумланиши билан танишиш;
- Тижорат банкларда даромадларни тан олиш ва уни ҳисобини ташкил этиш тартибини ўрганиш;
- Тижорат банкларида харажатларни тан олиш ва уни ҳисобини ташкил этиш тартиби билан танишиш;
- ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартибини ўрганиш;
- ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида банк самарадорлигини яхшилаш йўллари ва имкониятларини қидириб топиш ва тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари.** Битирув ишининг назарий асослари бўлиб, президентимиз И.А.Каримовнинг фармонлари ва иқтисодиётимиз ривожланишига бағишланган асарлари, Олий мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар ва кўрсатмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва

хориж иқтисодчи олимлари томонидан “Банкларда молиявий натижалари ҳисоби” мавзуси бўйича яратилган илмий оммабоп асарлари ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг объекти** сифатида биз мамлакатимиз банклари орасида алоҳида ўринга эга бўлган ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлими танлаб олинди. Ушбу банк битирув малакавий ишини амалий жиҳатдан тўлиқ ёритиб беради деб ҳисоблаймиз.

**Битирув малакавий ишининг маълумотлар манбаи бўлиб** Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, даромад ва харажатлар ҳисоби мавзусига тегишли даврий нашрларда чоп этилган мақолалар ҳамда ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимининг ҳисоб сиёсати, ички меъёрий ҳужжатлари, йиллик молиявий ҳисоботлари ва айрим бошланғич ҳисоб маълумотлари хизмат қилади.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Битирув малакавий иши кириш қисми, иккита боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, назарий ва услубий асослари, битирув малакавий ишнинг объекти, маълумотлар манбаи, илмий ва методологик янгилик элементлари ҳамда унинг амалий аҳамиятлари баён қилинган.

Биринчи боб-“Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари” деб номланиб, унда тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади, аҳамияти ва зарурати, уни меъёрий – ҳуқуқий асослари ҳамда даромад ва харажатларнинг туркумланиши билан танишиб чиқилган.

Иккинчи боб-“ДТ “Халқ банк” Наманган шаҳар бўлимида молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби” деб номладик. Ушбу бобда банкларда даромадлар ва харажатларни тан олиш ва уни ҳисобини ташкил этиш тартибини ўрганиш ҳамда бевосита ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар

бўлимнинг молиявий натижалар ҳисоби маълумотлари асосида банк самарадорлигини аниқлаш йўллари билан танишиб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида битирув малакавий иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳосил қилинган хулоса ва таклифлар ифода этилган.

## **1- боб Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари**

### **1.1. Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади, аҳамияти ва зарурати.**

Республикаимиз мустақилликка эришган даврнинг дастлабки кунларидан бошлаб, барча соҳалар қаторида тижорат банкларининг эркин фаолият юритиши учун ҳам кенг шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилди. Буни натижасида тижорат банклари ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш, уларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда бухгалтерия ишларини ташкил қилиш юзасидан бир қатор қонунлар ва низомлар қабул қилинди.

Республикаимиз ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олиб борар экан, иқтисодиётимизни ривожланишида банкларнинг тутган ўрни ва аҳамияти каттадир. Чунки, иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини жадаллаштириш жараёнида иқтисодиётга таълим қилинаётган банк хизматлари муҳим аҳамият касб этади. Бу эса тижорат банклари мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга оширилишини таъминлаб беради.

Бугунги кунда тижорат банклари иқтисодиётни ривожлантиришда бошқа молиявий институтларга қараганда кўпроқ ёрдам бермоқда. Чунки, тижорат банклари ресурслари ҳисобидан иқтисодиётни яхши ривожланмаган секторларини имтиёзли кредитлаш амалга оширилмоқда. Бизга маълумки, ҳозирги кунда тижорат банклари иқтисодиётни муҳим секторларини кредитлашда кредит фоизларини қайта молиялаш ставкаларидан бир неча баровар паст белгилашлари, ушбу секторни ривожлантиришга қўйилаётган муҳим қадам деб айтишимиз мумкин.

Банклар хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда якка тадбиркорларга кредитлар бериш, турли банк хизматлари кўрсатиш орқали уларга юқори даражада фойда олиш имкониятини яратади. Шу билан бир қаторда ўз молиявий натижаларини ҳам ижобий бўлишини таъминлаб келмоқдалар.

Бугунги кунда тижорат банкларини ривожланиши иқтисодиётни ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда банклар фаолияти самарадорлигини ошириш, уни кенгайтириш ҳамда барқарорлигини таъминлашда банклар даромад ва харажатлари муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг аҳамияти тобора кучайиб бормоқда. Бу эса банк хизмати турларини ортишига ва натижада банк даромадларини ортишига таъсир кўрсатмоқда. Бизга маълумки, бугунги кунда барча тижорат банклари юқори даромад олиш мақсадида ўз фаолият доирасини кенгайтirmoқдалар. Улар ўз активларини самарали бошқариш, уларни тўғри жойлаштириш ва даромад олишнинг бошқа имкониятларини қидириб топишга ҳаракат қилмоқдалар.

Банкларни асосий даромад келтирувчи фаолиятларидан бири бу фоизли даромадлари ҳисобланади. Бундан ташқари тижорат банклари ўз ресурсларини қимматли қоғозларга ҳам инвестициялашлари мумкин.

Банк фаолиятининг асосий тавсифи сифатидан унинг даромад келтирувчи активлари, яъни кредит қўйилмалари ҳисобланади. Банкнинг даромад келтирувчи активлари қанчалик кўп бўлса, банк инвесторлар учун шунчалик жозибадор бўлади ва банкнинг даромадлари ўсиб боради. Банкнинг даромад келтирувчи активлари у ўтказаётган хўжалик муомалаларига боғлиқ.

Тижорат банклари ўз фаолияти давомида кўплаб мижозларга хизмат кўрсатади ва турли операцияларни бажаради. Тижорат банкларининг бундай фаолиятларини амалга ошириш жараёнида даромад оладилар ва харажатларни амалга оширадилар. Тижорат банкларининг даромадлари юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган узоқ ва қисқа муддатли

кредитлар бўйича олинган фоизлар ҳисобланиб, бундай даромадлари барча оладиган даромадларининг асосий қисмини ташкил қилади.

Тижорат банклари фаолиятини молиявий аҳволини, уларнинг барқарорлик кўрсаткичи, яъни банк капитали билан барча даромад келтирувчи активлар кўрсаткичлари аниқ намоён қилиб кўрсатилади.

Маълумки, тижорат банкларининг фоизли даромадлари суммасидан фоизли харажатлари суммаси чегирилгандан кейин, соф фоизли даромад кўрсаткичи юзага келади. Соф фоизли даромад суммасининг банк активлари ўртача суммасига нисбати орқали эса, соф фоиз маржаси аниқланади. Бу кўрсаткич банкнинг фоизли даромадлари даражасига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади.

“Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” Низомга мувофиқ даромадлар - бу хусусий капитал муассисларининг улушлари ҳисобидан кўпайишдан ташқари, капиталнинг кўпайишига олиб келган даврда банкнинг одатий фаолияти давомида иқтисодий нафнинг ялпи келиб тушишидир. Даромад банкнинг одатий фаолияти давомида юзага келади ва ҳар хил атамалар, шу жумладан фоизлар, фойда, дивидендлар, сотишдан олинган тушум, гонорар, роялти ва ижара ҳақи билан аталади.

Физли даромад - бу пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланганлик учун олинган даромад. Шунингдек фоизли даромад ҳар қандай дисконт, мукофот ёки қарз қимматли қоғозлари ёхуд ссудаларнинг бошланғич баланс қиймати билан уларнинг сўндириш суммалари ўртасидаги бошқа фарқларнинг амортизация суммасини ўз ичига олади.

Фойда - бу банкнинг одатий фаолияти жараёнида юзага келиши ёки юзага келмаслиги мумкин бўлган даромад кўриниши. Фойда, масалан, асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган фойдани ўз ичига олади. Фойда таърифи реализация қилинмаган фойда, масалан савдо учун мўлжалланган (бозор) қимматли қоғозларни қайта баҳолашда юзага келадиган фойдани ҳам ўз ичига олади.

Республикамиз банк амалиётида тижорат банкларининг асосий фаолияти натижасида оладиган даромадларини икки гуруҳга ажратиш расман қабул қилинган:

1. фоизли даромадлар.
2. фоизсиз даромадлар.

Фоизли даромадлар манбаига: қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар; мижозларнинг мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар; қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар; узок муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар; лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар; бошқа фоизли даромадларни келтириш мумкин.

Фоизсиз даромадлар манбаига эса: ҳорижий валютадаги фойда; тижорат операцияларидан олинган фойда; инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар; бошқа фоизсиз даромадларни киритиш мумкин.

Тижорат банкларида мижозлардан талаб қилиб олингунча қадар сақланадиган депозит ҳисобварақлари, муддатли, жамғармали ҳисобварақлар, валюта ва бошқа ҳисобварақларни очадилар. Бу ҳисобварақлар бўйича операцияларни амалга ошириш жараёнида мижозларга хизматлар кўрсатилиб, тегишли равишда ҳақ оладилар. Бу хизматлари учун оладиган даромадлари кўпинча банк ва мижоз ўртасида ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларда хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ўзаро тузилган шартномада белгиланади.

Тижорат банклари ўз фаолияти давомида кутилмаган даромадлар ҳам олиши мумкин. Бундай даромадларга банк кассаларидаги нақд пул маблағларининг ортиқча чиққан қисми, қарздорлардан ундирилган жарималар ва ҳисобланган пенялар, асосий воситаларни тугатишдан ёки сотишдан олинган даромадлар киради.

“Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” Низомга мувофиқ харажатлар - хусусий капитални унинг муассислари ўртасида тақсимланиши билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки тугаши кўринишида ёхуд

мажбуриятларнинг кўпайиши кўринишида ҳисобот даври ичида иқтисодий нафнинг камайишидир.

Фоизли харажатлар - бу пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланганлик учун харажатлар. Фоизли харажатлар ҳар қандай дисконт ёки қарз қимматли қоғозлари ёхуд қарз маблағларининг бошланғич баланс қиймати билан уларнинг сўндириш суммалари ўртасидаги бошқа фарқларнинг амортизация суммасини ўз ичига олади.

Зарарлар - бу банкнинг одатий фаолияти давомида юзага келиши ёки юзага келмаслиги мумкин бўлган харажатлар кўриниши. Зарарлар, масалан, ёнғин ёки сув тошқини каби табиий офатлардан кўрилган йўқотишларни, шунингдек асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарарларни ўз ичига олади. Зарарлар таърифи реализация қилинмаган зарарлар, масалан мижозларнинг ёки банк ушбу валютага ўзлаштирган депозитларига нисбатан валюта айрибошлаш курсининг кўтарилиши натижасида юзага келадиган зарарларни ҳам ўз ичига олади.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг харажатларини учта йирик гуруҳга ажратиш расман қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган тижорат банкларининг “Даромадлар ва харажатлар тўғрисида”ги ҳисоботида ўз аксини топган.

Мазкур ҳисоботга асосан тижорат банкларининг харажатлари қуйидагилардан ташкил топади:

1. Фоизли харажатлар;
2. Фоизсиз харажатлар;
3. Операцион харажатлар.

Хорижий мамлакатлар банк амалиётида тижорат банклари харажатларини бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганилади. Масалан, таниқли

олим, профессор О.И.Лавруши тижорат банкларининг харажатларини олти гуруҳга ажратади:<sup>2</sup>

1. Операцион харажатлар.
2. Банк хўжалик фаолиятини таъминлаш харажатлари.
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.
4. Солиқлар тўлаш харажатлари.
5. Захира ажратмалари.
6. Бошқа харажатлар.

Фоизли харажатлар барча мажбуриятлар бўйича мижозларга ва бошқа банкларга тўланган фоизлардан ташкил топади. Шунингдек, банкда кредит ресурсларини ташкил қилиш учун талаб қилиб олунгунга қадар сақланадиган депозитлар, жамғармали ҳамда муддатли депозитлар қабул қилади. Ушбу депозитларга тўланадиган фоизлар ҳам банкнинг фоиз кўринишидаги харажатлари таркибига киритилади. Банклар асосан кредит бериш мақсадида Марказий банкдан, бошқа банклардан бюджетдан ташқари фондлардан, юридик шахслар, бугунга келиб бюджетдан кредитлар олиши мумкин. Олинган кредитлар учун фоиз тўловлари ҳам банкнинг фоизли харажатлари таркибига киритилади.

Республикамиз тижорат банкларининг фоизли харажатлари таркибига: депозитлар бўйича фоизли харажатлар; ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар; тўланмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар; қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар; узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар; қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар; бошқа фоизли харажатларни келтириш мумкин.

Тижорат банкларининг фоизсиз харажатларига эса: комиссия харажатлар; ҳорижий валюталарда кўрилган зарарлар; тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар; инвестициялардан кўрилган зарарлар; бошқа фоизсиз харажатлар киритилган.

---

<sup>2</sup> О.И.Лаврушин “Банковское дело”. Москва, Финансы и статистика, 2001, 119 бет.

Республикамизда тижорат банкларининг операцион харажатларига: банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар; ижара ва таъминот харажатлари; хизмат сафари ва транспорт харажатлари; маъмурий харажатлар; репрезентация ва хайрия; эскириш харажатлари; суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар; кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш; даромад солиғини баҳолаш каби харажатлар киради.

Тижорат банкларининг ходимларига берилган маошлар, ходимларга қўшимча тўловлар, хизмат сафар харажатлари, бино ёки бошқа мулкларни ижарага олиш харажатлари, ижара тўловлари ва материалларни ҳарид қилиш харажатлари киради. Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Нафақа фондида, Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш фондида, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий суғурта фондида ўтказиладиган мажбурий ажратмалар, банк ходимларига мукофот ҳамда кўп йиллар давомида ишлаганлиги учун қўшимча ёки устама тўловни амалга оширади. Шунингдек, банк томонидан Нафақа фондида, тиббий суғурта ва суғуртанинг бошқа турлари учун ихтиёрий равишда ўтказилган ажратмалар, қонунларга мувофиқ банк мулкани ҳамда ходимларни давлат суғуртасидан ўтказиш бўйича тўловлар банкнинг операцион харажатлари ҳисобланади. Тижорат банки соҳасига малакали кадрлар тайёрлашда, уларнинг малакасини ошириш учун сарфлайдиган харажатлари киради. Тижорат банкларининг олий ўқув юртлари билан келишилган шартномадаги маблағларни тўлаб банк соҳасига малакали кадрларни тайёрлаш, ўқув марказлари ва бошқа малака ошириш институтларида банк ходимлари малакасини ошириш бўйича хизматлари учун ҳақ тўланади. Тижорат банклари кам баҳоли тез эскирувчи буюмларни, махсус адабиётлар сотиб олиш, шунингдек, банк фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган махсус нашрларга обуна бўйича қилинадиган харажатлар мавжуд бўлиб, улар ҳам банкнинг операцион харажатлари ҳисобланади.

Тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари “Баланс ҳисоботи” ва “Даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот”ларида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида давр мобайнида даромад ва харажатлар амалга оширилган вақтдаёқ аналитик ҳисобварақларда олиб борилади ва улар синтетик счётларда йиғилади. Ой, чорак, йиллик ҳисоботларда акс эттирилади. Тижорат банкларининг “Даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботи”да барча қилинган харажатлар ва олинган барча даромадлар акс эттирилади.

Тижорат банкларида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Уларни ҳисобга олиш қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш ва уларнинг даромад солиғини ҳисоблаш тўғрисида”ги Низом.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 677-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлар тартиби”.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари ҳисоботларини нашрга чиқаришга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаби тўғрисида”ги 310-сонли Низоми.

Юқорида келтирилганлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, Республикамиз тижорат банкларида даромадлар ва харажатларни ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш учун ҳам назарий, ҳам ҳуқуқий асос яратиб берилган.

## **1.2. Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

Республикамизда мустақиллик йилларидан бошлаб банк-молия тизимини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳага оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этиб келинмоқда. Жумладан, республикамизда бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари яратилиши бухгалтерия ҳисобини бир тизимга келтиришга амалий ёрдам бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш ҳамда уни жаҳон талаблари даражасига кўтарилишини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан етарли даражада меъёрий ва ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни бухгалтерия ҳисоби олдига янги-янги талабларни қўймоқдаки, бу талабларни бажариш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишга асос бўлиб хизмат қилувчи ҳуқуқий асосларни қабул қилинишини тақозо қилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш молия, пул-кредит тизимларида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келмоқда. Бу натижасида банклар фаолиятини янада эркинлаштириш, улар фаолиятига бозор принципларини янада кенгрок жорий этилишини тақозо қилмоқда.

Шуни инобатга олиб юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан соҳани янада эркинлаштириш ва уни ислоҳ қилиш юзасидан бир қатор қарорларни қабул қилиниши соҳани ривожланишига туртки бўлмоқда. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш тўғрисида”ги, 1997 йил 24 апрелдаги “Хусусий тижорат банкларни ташкил қилишни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 15 февралдаги 24-сонли “Банк тизимини ислох қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2001 йил 22 августдаги 349 сонли “Иқтисодиётни кредитлаш механизминини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа фармон ҳамда банк-молия тизимларини бозор муносабатларига яна ҳам мослашувлари учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилгандир.

Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини юритишнинг меъёрий - ҳуқуқий асослари бўлиб:

1. “Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Қонуни.

Бу Қонунга мувофиқ меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар, уларнинг турлари, кучга кириши ва амал қилиши, алрни қайта кўриш ва бекор қилиш тартиби ёритиб берилган.

2. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қабул қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар йўналишлари қонунда белгилаб қўйилмаган бўлсада, улар қуйидаги масалаларга қаратилган бўлиши мумкин:

- а) ҳисоб-китоб қоидаоарига оид;
- б) банк операцияларини амалга оширилишига оид;
- в) банк тизимида ҳиоб-китоб ва ҳисоботга оид;
- г) нақд пул эмиссияси, сақланиши, ташилиши, инкассация қилинишига оид;
- д) банкларни рўйхатга олиш, лицензия бериш ва қайтариб олишга оид;
- е) мажбурий резервларга оид;

ё) кредит ташкилотларни текширишга оид ва бошқа соҳаларга қараатилган бўлиши мумкин.

3. 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонун.

Ушбу қонуннинг 41-моддасида банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот қоидалари бузилганлиги учун банк раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирик саккизинчи сессиясида 2003 йил 30 августда қабул қилинган “Банк сирини тўғрисида” ги Қонуни.

Ушбу қонунга кўра хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошқор қилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5. “Ўзбекистон Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг (21.03.2000 йил № ПФ – 2564) Фармони.

Ушбу фармонга кўра тижорат банклари ўз фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини ажратиш йўли билан банкларда ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарини, деҳққон ва фермер хўжалиқларини, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинган.

6. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Фуқороларни банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни.

7. Банкларда ҳисобварақлар очиш ҳақидаги йўриқнома 2001 йил 6 октябр.

8. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 6 июлдаги “Банк тизимини ислох қилишга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги 104 сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида валютани тартибга солишга оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил.

10. Ўзбекистон Республикасида кредит уюшмалари ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил.

11. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом” нинг 10-параграфи (98-101 бандлари).

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида"ги ҳамда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда Марказий банк томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари, харажатлари ҳисобини юритиш ва уларнинг даромад солиғини ҳисоблаш тўғрисида" Муваққат Низомида тижорат банкларининг фаолият қилиш тартиби белгиланган бўлиб, банклар бу меъёрий ҳужжатлар асосида ўз даромадлари ва харажатларини амалга оширадидлар.

Ҳар бир тижорат банклари ўз фаолиятларини олиб боришдан мақсади юқори даромад олишга қаратилган. Бу даромадларни кўпайтириш йўлларини тижорат банклари ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Бухгалтерия ҳисобини юритишни тўғри ташкил этиш банк фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг пухта йўлга қўйилиши орқалигина банк ўз вазифаларини тўғри бажаришини таъминлай олади. Бу эса ўз навбатида бухгалтерлардан мукамал билимлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асосий тамойиллари ҳамда услубларини яхши билишлари талаб қилинади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг ягона услубий асосларини белгилаб беради.

Тижорат банклари томонидан бухгалтерия ҳисоби, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб, қайта ташкил этилгунча ёки тугатилгунча қадар узлуксиз равишда юритилади.

Тижорат банклари банк операцияларини амалга оширишда ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилишлари зарур.

Акционерлик тижорат банклари бозорнинг мустақил ташкилий тузилиши сифатида тижорат фаолиятини ҳисобини тўғри ташкил қилишлари шарт. Бунда улар фаолиятлари ҳисобини, яъни хўжалик жараёнларидаги барча операциялар ҳисобини ўзлари мустақил амалга оширадилар ва улар учун жавобгардир.

Тижорат банкларида ҳисоб-китоб ишлари улар вужудга келган даврдан бошлаб амалга оширилади. Ҳисоб-китоб ишлари даврлар оша ривожланиб, такомиллашиб келган. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва уни такомиллаштиришда бир қанча амалий ишлар амалга оширилди.

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш илғор чет эл тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ва республикамиз қонунларига асосан амалга оширилмоқда. Жумладан, банкларда бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларга мувофиқ олиб борилмоқда. Бу эса банкларни ривожланишига муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилиши асосан бухгалтерларга боғлиқ бўлиб, улар ўз ишларига масъулият билан ёндошишлари лозим. Банк ҳодимларини шундай сўзи бор: Банкир – бу, ҳар доим намунали бухгалтер. Бухгалтерия хизмати эса ўз

ишини аниқ ва равшан, жавобгарликни бўйнига олган ҳолда бажариши ва бу билан бирга фойдалилик даражасига эришиш учун ишончлилик билан миждозларни жалб қилишдан иборат.

Тижорат банкларида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилар экан, асосий эътибор, уларнинг даромадлари ва ҳаражатларини ҳисобини юритишга катта эътибор берилади.

Тижорат банкларида даромадлар ва ҳаражатлар ҳисоби бухгалтерия “Баланс ҳисоботи” ва “Даромадлар ва ҳаражатлар тўғрисидаги ҳисобот”ларида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида давр мобайнида даромад ва ҳаражатлар амалга оширилган вақтдаёқ аналитик ҳисобварақларда олиб борилади ва улар синтетик счётларга йиғилади. Ой, чорак, йиллик яқунлари ҳисоботларда акс эттирилади. Банкларнинг “Даромад ва ҳаражатлар тўғрисидаги ҳисоботи”да барча қилинган ҳаражатлар ва олинган барча даромадлар акс эттирилади.

Банк фаолиятида амалга оширилган операцияларни акс эттириш учун баланс ҳисобварақларининг кодлаштирилган тизими ишлаб чиқилган бўлиб, улар барча операцияларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлаш, Бош ва ёрдамчи китобларда тўғри жойлаштириш, ҳисоб жараёнини автоматлаштириш ва ҳисоб-китоб ишларини тезлаштириш имконини беради.

Баланс ҳисобварақлар Бош китобда кодлаштириш тизимида акс эттирилади.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, банк даромадлари таркибига қуйидаги ҳисобварақлар ажратилган:

1. Фоизли даромадлар (40000-44900)
2. Фоизсиз даромадлар (45201-45294)

Тижорат банклари ҳаражатларини ҳисобга олиш учун эса қуйидаги ҳисобварақлар ажратилган:

1. Фоизли даромадлар (50100-54902)
2. Фоизсиз даромадлар (55102-56314)
3. Операцион ҳаражатлар (56402-56902)

Юқорида келтирилган ҳисобварақлар асосида ДТ “Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида бухгалтерия ҳисобини бошлангич ҳужжатлар асосида махсус банк бухгалтерияси дастури ёрдамида амалга ошириб келмоқда.

ДТ “Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида бухгалтерия ҳисобини амалга оширишдаги асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида”ги йўриқнома ҳисобланади.

Тижорат банкларида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Уларни ҳисобга олиш қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш ва уларнинг даромад солиғини ҳисоблаш тўғрисида”ги Низом.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 677-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлар тартиби”.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари ҳисоботларини нашрга чиқаришга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаби тўғрисида”ги Низоми.

### **1.3. Тижорат банкларида даромад ва харажатларни туркумланиши.**

Тижорат банкларининг самарадорлигини ошириш учун биринчи навбатда банк хизматларини яхши йўлга қўйиш, буни натижасида банк даромадлилигини ошириш ёки банкнинг умумий харажатларини иқтисод қилиш орқали эришилади.

Тижорат банкларида харажатларни оптималлаштириш учун уларни ҳисобга олиш жараёнини яхши ташкил этиш талаб этилади. Бу эса харажатларни тўғри баҳолаш, уни ҳисобини тўғри ташкил этиш ҳамда уларни назорат қилиш вазифаси юклатилади.


Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг рентабеллигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, банк миқёсида юзага келаётган харажатларни тўғри туркумлаш ва уларни чуқур ўрганиш талаб этилади. Чунки, банк харажатлари ҳисоби ва назоратини тўғри ташкил қилиш кўп жиҳатдан уларнинг туркумланишига боғлиқ ҳисобланиб, банк харажатларини режалаштириш, уни тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиш банк ресурслари таннархини аниқлаш имконини беради. Бу эса банкнинг рентабеллиги даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларида харажатларни туркумлашнинг зарурияти энг аввало харажатларнинг таркиби ва иқтисодий мазмунининг турли хилигидадир.

Мамлакатимиз ва чет мамлакатларда чоп қилинган адабиётларда бозор иқтисодиёти шароитида банк харажатларининг туркумланиши ва уларнинг харажатлар ҳисоби, назоратини ташкил қилишда қўлланилиши бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Бир қатор иқтисодчилар харажатларнинг бир неча белгилари бўйича йириклаштиришни таклиф қилса, бошқалари аксинча турли белгилар бўйича деталлаштиришни тавсия қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тижорат банкларининг рентабеллигини ошириш учун биринчи навбатда харажатларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тижорат банки харажатларини қўйидагича таркибий қисмларга бўлиб, келтириш мумкин:



### **1-чизма. Банк харажатларининг таснифланиши шакли бўйича**

Маълумки, тижорат банкларида харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш уни рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, харажатларни тўғри ҳисобга олиш банк ресурслари таннархини аниқлаш имконини беради. Бу эса активларни аниқ баҳолаш, харажатларни қоплаш ҳамда акциядорлар учун даромадларни тўғри тақсимлаш билан бир қаторда кредит устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида амалий ёрдам кўрсатади.

Тижорат банкларида харажатларини фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар, операцион харажатлар каби таснифлаб ҳисобга олинади.

Фоизли харажатлар-барча мажбуриятлар юзага келган банкнинг фоизли харажатларидир.

Бизга маълумки, тижорат банклари банк капиталини шакллантиришда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитларни ўзига қабул қилади. Ушбу депозитлардан фойдалангани учун банклар маълум белгиланган фоизларда пул тўлайдилар.

Банклар фоизли харажатларининг яна бири банклараро кредит ва унга боғлиқ операциялардир. Банклар энг аввало Марказий Банкдан ёки бошқа тижорат банкларидан, бюджетдан ташқари фондлардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан кредитлар олиши мумкин. Олган кредитлар учун тўланадиган сумма фоизли харажатларга киради.

Тижорат банкларида фоизли харажатларга қуйидагилар киради:

- талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар бўйича тўланган фоизлар;
- ёзилган, лекин тўланмаган фоизлар;
- банк қарз мажбуриятлари бўйича тўланган фоизлар;
- банклараро кредитлар сифатида тўланган фоизлар;
- банк олган такрор молиялаш кредитлар бўйича тўланган фоизлар;
- муддати белгиланган тартибда ўзайтирилган банклараро кредитлар бўйича тўланган фоизлар;
- муддати ўтган банклараро кредитлар бўйича тўланган фоизлар;
- кўрсатилган хизматлар ва вакиллик муносабатлари учун банк тўлаган воситачилик йиғимлари каби чиқимлар;
- банк чет эл валютаси харид қилиш ёки сотиш учун тўланган воситачилик йиғимлари ҳақи, шунингдек, банк чет эл валютасида қилган харажатлар;
- банк аввалги йиллар ҳисобага тўлаган воситачилик йиғимлари ҳамда банк мижозлардан ортиқча ундирилган фоизлар ва воситачилик йиғимларини камайтирилиши;
- банк форфейтинг, факторинг, траст операцияларни амалга ошириш учун қилинган харажатлар;

Юқоридан кўриниб турибдики, тижорат банкларида харажатлар ҳисобини ташкил қилишда фоизли харажатларга муҳим аҳамият қаратилиши лозим. Чунки улар жами харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Фоизсиз харажатларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ускуна ёки биноларни ижарага олиш, харид қилиш, шунингдек, бошқа операция харажатлари киради.

Банклар Ўзбекистон Республикас Пенсия фондига, Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш давлат фондига, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фондига қонунларга мувофиқ ўтказиладиган мажбурий ажратмалар, жумладан банк ходимларига мукофот ҳамда кўп йил ишлаганлик учун ёзиладиган тўловларни амалга оширадilar. Банк нодавлат пенсия фондларига, ихтиёрий тиббий суғурта ва ихтиёрий суғуртанинг бошқатурлари учун ўтказган ажратмалари, қонунларга мувофиқ банк мулкани ва банк ходимларини давлат суғуртасидан ўтказиш бўйича тўловлар ҳам банкнинг фоизсиз харажатларига киради.

Бундан ташқари, банкларнинг фоизга даҳли йўқ харажатларига банк соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда қиладиган харажатлар киради. Тижорат банклари олий ўқув юртлари билан келишилган шартномадаги маблағларни тўлаб банк соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш, банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хизматлари учун ҳақ тўлайди. Бунда банклар номоддий актив шакллантиради ва бу келажакда ўз самарасини беради.

Кунлик операцияларни бажариш жараёнида банкларда канцелярия қоғозлари ишлатилади. Ушбу харажатларни банклар фоизсиз харажатлар таркибида ҳисобга олиб боради.

Бундан ташқари, банклар махсус адабиётлар, меъёрий ва йўриқнома тусидаги ҳужжатлар сотиб олиш, шунингдек, банк фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган махсус нашрларга (рўзномалар, ойномалар ва бошқалар ) обуна бўйича қилинадиган харажатлари мавжуд.

Тижорат банки ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини (уй-жой

коммунал хўжаликлар, ўқув марказлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, тиббий, соғломлаштириш ва бошқа муассасалар)сақлаш, жумладан, шундай объектларни барча турларда таъмирлашга қилинадиган, лекин улардан фойдаланиш орқали олинган даромадлар (квартира ҳақи, ота - оналар ўз даромадлар болалар барчасига қатнашган учун тўланадиган бадаллар, йўлланмалар қиймати тўловлари ва бошқалар) билан қоплайдиган харажатлар, шунингдек, юқорида айтилган объектлардан ижара шартларида фойдалаганлик ҳолларда шу объектлар бўйича тўпланадиган ижара ҳақи каби харажатлари мавжуд.

Тижорат банкларининг харажатларини таркибий жиҳатдан чуқурроқ кўриб чиқишимиз мумкин.

Тижорат банкларида фоизсиз харажатларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банкларга тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлар;
- қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металларнинг олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари ҳамда ушбу операциялардан кўрилган зарарлар;
- сотиб олинган векселлар, инвестициялар, аккредитивлар ва акцептлар бўйича тўланган хизмат ва воситачилик харажатлар;
- овердрафт, ссудалар, ссуда мажбуриятлари, менежмент, маҳаллий ва ҳорижий тўловлар бўйича воситачилик харажатлари;
- воситачилик, кафолат ва кафиллик операциялари бўйича харажатлар;
- ҳорижий валютасидаги банк операциялари бўйича салбий курс тафовутлари;
- тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар;
- инвестициялардан кўрилган зарарлар;
- банкнинг мулкни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар.

Банклар ўз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар қилинган смета маблағ ажратмалари доирасида амалга оширадilar. Банкнинг операцион харажатлари сметаси бўйича кредитларни банк раҳбари тасарруф этади. Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета маблағлари ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабригача ўтказилиши лозим.

Тижорат банклари фоизли ва фоизсиз харажатлари билан бирга операцион харажатлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар киради:

- иш ҳақи харажатлари. Бу харажатларга банк томонидан ишчи ва ҳодимларни меҳнатга ҳақ тўлаш ва улар меҳнатини рағбатлантириш, моддий ёрдам, таътил пули, пенсия ва нафақа харажаталари;
- ижара ва сақлаш харажатлари;
- хизмат сафари ва транспорт харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- президентация ва кўнгил очар тадбирлар учун харажатлар;
- эскириш харажаталари;
- суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар.

Тижорат банкларнинг даромадлари ва уларнинг манбаларини банк фаолиятига қараб, яъни тижорат банклари амалга оширадиган операциялар нуқтаи назаридан турли туркумларга бўлиш мумкин.

Тижорат банкларининг даромади турли банк фаолиятини, яъни, кредит бериш, дисконт фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, қимматли қоғозлар билан операциялар, депозитларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолият, бошқа банклар билан вакиллик муносабатларига асосланган фаолият, ноанъанавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият ва бошқа фаолият турлари натижасида шаклланади.

Ҳозирги кунда республикаимиз банк тизимида мижозларни ҳамда банклараро кредитлаш натижасида тижорат банклари даромадининг асосий қисмини шаклланади. Банклар қисқа ва узоқ муддатли кредитга турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар.

Дисконт ўз вақтида тўланмаган векселлар, чеклар ва талабномаларни маълум скидка-дисконт эвазига банк томонидан харид қилиши тушунилади.

Дисконт – фаолиятнинг асосий турларидан бири бўлиб, банкнинг факторинг операциялари ҳисобланади. Факторинг операцияларининг ушбу тури икки хил бўлади:

- регресс ҳуқуқи билан;
- регресс ҳуқуқисиз;

Биринчи ҳолатда банк тўловчи томонидан қопланмаган мажбуриятни мол етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолатда эса банкда бу ҳуқуқ йўқ, шу боис риск юқори ва шунга яраша фоиз ҳам юқори қўйилади.

Банк томонидан факторинг операцияси учун оладиган фоизлар, яъни мукофот икки қисмдан ташкил топади, булар:

- 1) тўлов амалга оширилгунга қадар банк кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар;
- 2) факторинг операциясининг турига мос равишда бўладиган рисклар билан боғлиқ ўрнатиладиган комиссия мукофот;

Траст (ишонччилик) ва вакиллик операциялари бўйича банк фаолиятининг ушбу тури банкка даромадни мижоз мулкани бошқариш ёки ушбу мулкка доир айрим махсус топшириқларни бажариш орқали комиссия тўловлар шаклида даромад келтиради. Траст хизмати учун комиссия тўлов ҳам қўйидаги элементлардан ташкил топган:

- мулкни бошқариш учун олинадиган ўзгарувчан тўлов;
- траст иши бўйича натижаларга мос равишда банк оладиган фиксирланувчи комиссия мукофот.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари ҳам банкка маълум даромад келтиради. Фаолиятнинг ушбу тури икки қисмдан ташкил топади. Яъни, буларга: банкнинг ўзи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши ва уларнинг бозорда сотилиши; бошқа эмитентлар қимматли қоғозлари билан боғлиқ иккиламчи бозордаги операциялар ҳамда корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш билан боғлиқ хизматлар киради. Банкнинг тижоратнинг ушбу турида оладиган даромади ўзи чиқарган ва бошқа эмитентларнинг акциялар курсидаги фарқланиш ва хусусийлаштириш учун оладиган хизмат тўловларидан ташкил топади.

Маблағларни депозитларга жалб қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолият. Ушбу операциялар кўйидаги шаклларда даромад келтириш имконини беради:

1) коммиссион тўловлар:

- ҳисобрақам очиш учун;
- ҳисобрақам юритиш учун;

2) маълум давр учун ўзгарувчан тўлов.

3) оборотдан коммиссион ҳақ(оборотдан % шаклида):

- ҳисобрақамда бўлган операциялар ҳақида кўчирма;
- ҳисобрақамни ёпиш;
- нақд пул бериш ёки ҳисоб-китоб бўйича операцияларни амалга ошириш.

Банк ноанъанавий хизматларидан келадиган даромад лизинг операциялари, информатсион, консултатив хизматларни кўрсатиш орқали келади.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, банк даромадларини шаклига кўра кўйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) фоизли даромад;

2) кўрсатилган хизматлар учун коммиссион тўлов;

3) бошқа даромадлар – валюта курсларидаги фарқлар, баланс ва бозор нархларининг фарқланиши ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фоизли даромадларини асосан қуйидаги фаолият турларидан оладилар:

- қисқа ва узоқ муддатли ссудалардан;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва бошқа банкларга берилган ссудалардан;
- қимматли қоғозлар савдоси учун мўлжалланган ҳисобварақлардан;
- сотиб олинган векселлардан;
- миждозларнинг мажбуриятларидан;
- банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан миждозлар мажбуриятларидан;
- жисмоний шахсларга, яққа тартибдаги тадбиркорларга, давлат корхона ва ташкилотларига, жамоат ташкилотларига, қўшма корхоналарга, хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган ссудаларидан;
- суд жараёнидаги ссудалардан;
- инвестициялар бўйича фоиз кўринишидаги даромадлардан;
- Молиявий ижарага оид даромадлар.

Тижорат банклари булардан ташқари яна қуйидагилардан даромад оладилар:

- форфейтинг – векселлар бўйича даромад;
- факторинг – қарзларни ундириш, товар ва хизматларни қайта сотиб, кейин улар учун тўловларни ундиришга доир ҳуқуқларни қабул қилиш;
- траст – ишончга асосланган операциялардан.

Тижорат банкларининг фоизсиз даромадларига қуйидагиларни киритиши мумкин:<sup>3</sup>

- банкка тегишли мулкни ижарага беришдан даромадлар;
- қимматли қоғозлар билан амалга оширилган брокерлик операциялари

---

<sup>3</sup> Ш. Абдуллаева банк иши дарслик Тошкент молия институти – 2003 146,147 - бетлар

бўйича даромадлар;

- банкнинг қимматбаҳо металлар билан амалга оширган операциялари бўйича даромадлар;
- пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа бойликлар, банк хужжатлари инкассация қилингани, ташилгани учун даромадлар;
- менежмент хизмати бўйича даромадлар;
- тижорат банклари чет эл валютасида олиб борадиган барча операцияларидан даромадлар;
- кафолатлар ва кафилликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар;
- банкнинг бошқа хусусий мулкларининг ижарасидан олинган даромадлар;
- банк кассасидан чиққан ортиқча пулларни кирим қилишдан даромадлар;
- қарздор зиммасига юкланган ёки у тан олган жарималар, пенялар, бурдсизлик тўловларидан даромадлар;
- банкнинг аввалги йилларда олинган, лекин ҳисобот йилида аниқланган фойдаси.
- бошқа фоизсиз даромадлар;

Тижорат банклари томонидан юқорида келтирилган барча даромад ва харажатларни ҳар доим назорат қилиниши зарур. Чунки, айрим операцион харажатларини амалга ошириш жараёнида ортиқча сарфларга йўл қўйилиши мумкин. Бу ортиқча харажатларни олдини олиш албатта банкнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

## **2-боб ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби**

### **2.1. Тижорат банкларида даромадларни тан олиш ва уни ҳисобини ташкил этиш тартиби.**

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида”ги 1834-сонли йўриқномага асосан олиб борилади.

Банклар тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишни самарадорлиги кўп жихатдан уни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Чунки, бухгалтерия ҳисоби ва назоратни пухта йўлга қўймай туриб ўз вазифаларини тўғри бажарилишини таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун, албатта, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузишнинг тамойиллари ҳамда услубларини чуқур ва атрофлича тушуниш талаб қилинади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш, операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва амалдаги қонунчиликка қаттиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Банкларда бажарилаётган операциялар бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 13 августдаги 773-сонли қарори билан тасдиқланган ва қушимча узгартиришлар киритилган “Тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси”га асосан ҳисобга олиб борилади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишда унинг фаолияти натижаси бўлган даромад ва ҳаражатларни ҳисобга олиш ва уларни ҳужжатларда тўғри акс эттирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тижорат банкларида даромадлар ҳисобварақлар режаси бўйича 2 га бўлиб ҳисобга олинади:

Фоизли даромадлар – бу қисқа ва узоқ муддатли ссудалар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва бошқа банкларга берилган ссудалар, қимматли қоғозлар савдоси учун мўлжалланган ҳисобварақлар бўйича, сотиб олинган векселлар, миждозларнинг мажбуриятлари, банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан миждозлар мажбуриятлари, жисмоний шахсларга, яққа тартибдаги тадбиркорларга, давлат корхона ва ташкилотларига, жамоат ташкилотларига, қўшма корхоналарга, хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган ссудаларига ҳамда суд жараёнидаги ссудалар ва инвестициялар бўйича фоиз кўринишидаги даромадлардир.

Тижорат банкларида 40200 дан 41205 ҳисобварағига хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли даромадлари ҳисобга олиб борилади.

41400 дан 42609 гача бўлган ҳисобварағи банкнинг турли хўжалик юритувчи субъектларига берилган қисқа муддатли ссудалари бўйича фоизли даромадларни ҳисобга олиш учун ажратилган.

43900 дан 44605 гача бўлган ҳисобварақда банкнинг турли хўжалик юритувчи субъектларига берган узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.

44700 ҳисобварағида суд жараёнидаги ссудалар бўйича фоизли даромадлари акс эттирилади.

44800 ҳисобварағида инвестиция бўйича фоизли даромадлар ҳисобга олинса 44900 ҳисобварағида эса бошқа фоизли даромадлар ҳисобга олинади.

Тижорат банкларининг фоизли даромадларини ҳисобга оладиган ҳисобварақлар қуйидаги ҳолларда дебетланади:

- нотўғри ҳисобланган фоизлар қайтарилса;
- олинган фоизларни қайтарилса;
- якуний даромад ва харажатларни 31206 – “Соф фойда (зарар)” ҳисобқарағига ўтказилса.

Тижорат банкларида 40200 дан 41205 ҳисобварағининг кредитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлар бўйича келиб тушган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

41400 дан 42609 ҳисобварақларнинг кредитида банкнинг турли хўжалик юритувчи субъектларига берилган қисқа муддатли ссудалари бўйича келиб тушган даромадлар суммаси акс эттирилади.

Масалан, 2011 йилнинг 1 мартида ДТ “Халк банк” Наманган шаҳар бўлими томонидан “Ўз Миллий банки” Чортоқ туман бўлимига берилган кредит бўйича 500000 сўм фоиз ҳисоблаб ёзилган ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилган:

ДТ 12101 бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар бўйича олинадиган фоизлар – 500000

КТ 41600 бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар бўйича фоизли даромадлар – 500000.

“Шарқ Марвариди” хусусий фирмасига берилган ссудасига 760000 сўмлик фоиз ҳисобланди:

ДТ 15501 якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли ссудалар – 760000

КТ 44101 якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизли даромадлар – 760000

43900 дан 44605 ҳисобварақларининг кредитида эса хўжалик юритувчи субъектларга берилган узоқ муддатли ссудалар бўйича келиб тушган суммалар акс эттирилиш учун ажратилган.

44800 – ҳисобварақнинг кредитида келиб тушувчи даромад, дисконтнинг амортизация суммалари, шунингдек инвестициялар бўйича олинishi зарур бўлган ҳисобланган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

44900 – ҳисобварақнинг кредитида келиб тушувчи даромад суммаси, шунингдек, миждозларнинг бошқа мажбуриятлари бўйича олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

Шундай қилиб юқорида алоҳида гуруҳланган ҳисобварақлари тижорат банкларининг фаизли даромадларини деярли барча турларини ўз ичига камраб олади.

Тижорат банкларининг фоизсиз даромадлари – бу хорижий валюталардан, тижорат операцияларидан, инвестициялардан, дивидендлардан олинган фоизсиз даромадлардир.

Тижорат банкларининг фоизсиз даромадлари бухгалтерия ҳисобининг кўйидаги ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

45200 – Фоизсиз даромадлар.

45400 – Хорижий валюталардаги фойда.

45600 – Тижорат операцияларидан олинган фойда.

45800 – Инвестициялардан олинган фойда ва дивиденд.

45900 – Бошқа фоизсиз даромадлар.

Юқоридаги ҳисобварақларнинг дебитида нотўғри олинган даромадларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида банкнинг молиявий натижаси сифатида 31206 – “Соф фойда (зарар)” ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

45200 – ҳисобварақнинг кредитида кўрсатилган хизмат турлари бўйича кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган даромадлар суммаси акс эттирилади.

45400 – ҳисобварақда, яъни кредитида хорижий валюталардаги тузилган битимлардан олинган фойдалар суммаси акс эттирилади.

45600 – ҳисобварақнинг кредитида банкнинг қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металллар билан амалга ошириладиган тижорат операцияларидан олинган фойдаларнинг суммаси акс эттирилади.

45800 – ҳисобварақнинг кредитида инвестициялардан олинган фойда суммаси акс эттирилади.

45900 – ҳисобварақнинг кредитида банкнинг ижарага берилган мулклари ва бошқа хусусий мулкларидан келиб тушган даромадлар акс эттирилади.

Маълумки, тижорат банклари томонидан амалга оширилган операциялар бўйича олинган даромадларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Биз қуйида ДТ “Халк банк” Наманган шаҳар бўлими мисолида олинаётган даромадларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш жараёни қуйидаги миқозлар билан булган банк операциялари билан танишиб чиқиш орқали куришимиз мумкин:.

“Марварид-2004” хусусий фирмасининг ҳисобрақами дебет айланмасидан 56000 сўм банк хизмат ҳақи олинганда банк бухгалтерия ҳисобваракларида даромад сифатида қуйидагича иқиклама ёзув амалга оширилади:

ДТ 20208 Миқозларга хос рақамлари – 56000

КТ 45294 Махаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар – 56000

Акционерлик жамиятларнинг сотиб олинган қимматли қоғозлар, яъни акциялари бўйича 750000 сўм дивидендлар олиниши акционерлик жамиятининг қарорига биноан ҳисобга олинди:

ДТ 19939 Олинадиган дивидендлар – 750000

КТ 45601 Қимматли қоғозлар бўйича тижорат операцияларидан олинган фойда – 750000

3. Фарворд битимлари бўйича чет эл валюталаридан 470000 сўм фойда олинди:

ДТ 16901 Ревальвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда – Форвард шартномалари – 470000

КТ 45405 Форвард/Опцион/Фьючерс битимлари бўйича хорижий валюталардаги фойда – 470000

Хулоса қилиб айтганда тижорат банклари даромад ва харажатларини тўғри ҳисобга олиб бориш ва бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида, беҳато расмийлаштириш яқуний даромад ва харажатларни тўғри аниқлаш ва молиявий ҳисоботларни беҳато тузиш имконини беради.

## **2.2. Тижорат банкларида ҳаражатларни тан олиш ва уни ҳисобини ташкил этиш тартиби.**

Тижорат банклари самарадорлигини яхшилашда даромадлар билан бирга ҳаражатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, тижорат банкларида даромадлар билан ҳаражатларни ўзаро солиштириш натижасида соф фойдани шакллантирилади.

Тижорат банкларида ҳаражатлар ҳисобварақлар режаси бўйича уч гуруҳга бўлиб ҳисобга олинади:

1. Фоизли ҳаражатлар.
2. Фоизсиз ҳаражатлар.
3. Операцион ҳаражатлар.

Тижорат банкларининг фоизли ҳаражатлари бухгалтерия ҳисобининг куйидаги ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

50100 дан 51126 ҳисобварақларигача банкнинг талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган, жамғарма, муддатли депозитлар бўйича фоизли ҳаражатлар;

51600 дан 52111 ҳисобварақларигача Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли ҳаражатлар;

52600 – ҳисобварағида банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича фоизли ҳаражатлар;

53100 дан 54195 ҳисобварақларигача қисқа, ўрта ва узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизли ҳаражатлар;

54200 дан 54395 ҳисобварақларигача қимматли қоғозлар ва улар билан амалга ошириладиган РЕПО битимлари бўйича фоизли ҳаражатлар;

54900 ҳисобварағида эса бошқа фоизли ҳаражатлар акс эттирилади.

Банкнинг фоизли ҳаражатларини ҳисобга оладиган ҳисобварақлар куйидаги ҳолларда кредитланади:

- тўғри ҳисобланган фоизлар;

- тўланган фоизларнинг қайтарилиши;
- якуний даромад ва харажатларни 21206 - “Соф фойда (зарар)” ҳисобвараққа ўтказиладиган суммалар акс эттирилади.

50100 дан 51126 ҳисобварақларнинг дебетида депозит мажбуриятлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

51600 дан 52111 ҳисобварақларнинг дебетида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган суммалар акс эттирилади.

52600 ҳисобварақнинг дебетида банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

53100 дан 54195 ҳисобварақларининг дебетида қисқа ва узоқ муддатли ссудалар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

54200 дан 54395 ҳисобварақларининг дебетида банкнинг чиқарилган қимматли қоғозлари ва банк томонидан қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

54900 ҳисобварақнинг дебетида эса бошқа мажбуриятлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Биз қуйида ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида фоизли харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш жараёни бўйича айрим операцияларни акс эттирамиз:

Депозит ҳисобварақларига ссуда қолдиғи бўйича тўланадиган фоизларни ҳисоблаш банкнинг молиявий ҳолатидан қатъий назар ҳар куни амалга оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дт 50101-54900 Фоизли харажатлар.

Кт 224хх Тўлашга ҳисобланган фоизлар.

Жисмоний шахсларга сотилган қимматли қоғозларига 600000 сўм дивиденд ҳисобланса қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дт 54308 РЕПО битимлари бўйича жисмоний шахсларга сотилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли ҳаражатлар – 600000

Кт 29822 Тўланиши лозим бўлган дивидендлар – 600000.

Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича 700000 сўм фоиз ҳисобланса қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дт 51106 Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари бўйича фоизли ҳаражатлар – 700000

Кт 22402 Депозит мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар – 700000.

Тижорат банкларининг фоизсиз ҳаражатлари бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

55100 – Фоизсиз ҳаражатлар.

55300 – Хорижий валюталардан кўрилган зарарлар.

55600 – Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар.

55800 – Инвестициялардан кўрилган зарарлар.

55900 – Бошқа фоизсиз ҳаражатлар.

55100, 55300, 55600, 55800, 55900 ҳисобварақларининг кредитида нотўғри тўланган ҳаражатларнинг қайтарилиши суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206 - “Соф фода (зарар)” ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

Фоизсиз ҳаражатларни ҳисобга оилш билан боғлиқ бўлган ҳисобварақларни дебет томонида қуйидаги операциялар бўйича ҳаражатлар акс эттиралади:

55100 – ҳисобварағида кўрсатган хизматлари учун сарф қилинган ҳаражатлар суммаси;

55300 – ҳисобварағида хорижий валютада тузилган битимлар натижасида кўрилган зарарлар суммаси;

55600 – ҳисобқарағида банкнинг қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металллар бўйича тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар суммаси;

55800 – ҳисобварағида инвестициялар бўйича кўрилган зарарлар суммаси;

55900 – ҳисобварағида хусусий мулклардан ва бошқа мулклардан сотишдан кўрилган зарарларни суммаси акс эттирилади.

Тижорат банкларининг операцион харажатлари бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

56100 – Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар.

56200 – Ижара ва таъминот харажатлари.

56300 – Хизмат сафари ва транспорт харажатлари.

56400 – Маъмурий харажатлар.

56500 – Репрезентация ва ҳайрия.

56600 – Эскириш харажатлари.

56700 – Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар.

56800 – Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш харажатлари.

56900 – Даромадлар солиғини баҳолаш.

56100 – ҳисобварақнинг кредитида шу билан бирга юқорида кўрсатилган барча ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек, ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206 - “Соф фода (зарар)” ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56100 – ҳисобварақнинг дебетида иш ҳақи ва бошқаларга қилинган харажатлар суммаси, жумладан ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида:

Мисол учун, унинг ходимларига 230000 сўм иш ҳақи ҳисобланди:

Дт 56102 Иш ҳақи – 230000

Кт 29803 Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоб-китоби – 230000

Иш ҳақи берилган вақтда эса:

Дт 29803 Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоб-китоби – 230000

Кт 10101 Айланма кассадаги нақд пуллар– 230000.

56200 – ҳисобварақнинг дебетида ижрага ва таъминот учун ҳисобланган ва тўланган ҳаражатлар суммаси акс эттирилади.

56300 – ҳисобварақнинг дебетида хизмат сафари ва транспорт учун амалга оширилган ҳаражатлар суммаси акс эттирилади.

Ушбу ҳисобвараққа қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Банк ходимларига хизмат сафари учун 100000 сўм тўлов ҳисобланди:

Дт 56302 Хизмат сафари ҳаражатлари – 100000

Кт 19908 Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар – 100000.

56400 – ҳисобварақнинг дебетида маъмурий ҳаражатларга тўланган суммалар акс эттирилади.

Мисол учун, алоқа хизмати учун 100000 сўм тўлов ҳисобланди:

Дт 56410 Почта, телефон, факс бўйича ҳаражатлар – 100000

Кт 29802 Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар бойликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби – 100000.

56500 – ҳисобварақнинг дебетида репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар учун қилинган ҳаражатлар суммаси акс эттирилади.

56600 – ҳисобварақнинг дебетида амортизация ҳаражатлар суммаси акс эттирилади.

Ушбу ҳисобвараққа оид бухгалтерия ёзуви қуйидагича берилади:

1) Банк биноси учун  $(10000000/20\text{й}/12\text{ой}=41666)$  ойлик эскириш ҳисобланди:

Дт 56602 Банк биноси ва бош иморатларнинг эскириш суммаси – 41666

Кт 16501 Банк биноси – ер – 41666.

2) Номоддий активларга  $(5000000/5\text{й}/12\text{ой}=83333)$  эскириш ҳисобланди:

Дт 56618 Номоддий активларнинг эскириш суммаси – 83333

Кт 16545 Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси – 83333

56700 – ҳисобварақнинг дебетида юридик ва маслахатчилик хизматлари учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56800 – ҳисобварақнинг дебетида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси, шунингдек кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашнинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

56900 – ҳисобварақнинг дебетида даромад солиғини тўланиши лозим бўлган суммаси акс эттирилади.

Биз юқорида тижорат банкларида харажатларни ҳисобга олиш назарияси ва амалиёт билан қисқача танишиб чиқдик. Тижорат банкларида харажатларни ҳисобга олиш бўйича услубиёти ишлаб чиқилганлигини кўришимиз мумкин.

### **2.3. ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби**

Банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишда барча фаолиятлар натижаси бўлган даромадларни ҳисобга олиш ва уларни ҳужжатларда тўғри акс эттирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тижорат банкларида даромад моддаларини тан олиш мезонлари қуйидагичадир:

а) Модда ўлчаш учун тегишли асосга эга ва суммани оқилона баҳолашни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги.

б) Келгуси иқтисодий манфаатларнинг олиниши мумкинлиги ёки олиниши.

Банкларнинг даромадларини тўғри ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот шаклларини тузиш учун зарур маълумотлар манбаини шакллантиришда бухгалтерия ҳисоби алоҳида аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги счётлар режасида банк даромадларини ҳисобга олиш учун алоҳида тўртинчи бўлим счётлари тайинланган бўлиб, уларда банк даромадлари турлари бўйича ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақлар пассив ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг кредитида олинаниган даромад ҳисобга олинади ва ҳисобварақларнинг дебетига эса қачонки олинган даромад фойда таркибига ўтказилганда ёзилади. Шунингдек ушбу ҳисобварақнинг дебетига олинаниган фоиз даромадлари нотўғри ҳисобланганда ҳам ёзилади.

Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги маълумотларни келтирамиз. ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлими ўз миждози ҳисобланган “Марварид-2004” масъулияти чекланган жамиятга олти ой муддатга йиллик 18 фоиз билан 5 млн. сўм кредит берган. Берилган кредит бўйича биринчи ой учун 75000 сўм фоиз тўлови ҳисобланди. Ушбу операция бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 16309 “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” - 75000 сўм

Кт 42601 “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар” - 75000 сўм

Агар ушбу ҳисобланган фоиз суммаси миқдор томонидан тўланса унда:

Дт 20208 “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлари” - 75000 сўм,

Кт 16309 “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” - 75000 сўм.

Ҳисобланган фоиз тўловлари йил охирида соф фойда таркибига ўтказилганда

Дт 42601 “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар” - 75000 сўм

Кт 31206 “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” - 75000 сўм

Шундай қилиб, банклар фаолиятида олинадиган даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида юқорида келтирилган тартибда акс эттирилиши бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар талаби даражасида ташкил қилишни таъминлайди ва банкларнинг молиявий ҳисоботларини тузиш учун зарур маълумотлар манбасини вужудга келтиради.

Банклар ўз фаолиятларини амалга ошириш учун харажатлар қилади ва бу харажатларни ҳисобини юритиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу харажатларнинг барчаси бухгалтерия ҳисобварақлари режасидаги 50000-«Харажатлар» ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

Амалиёт объекти ҳисобланган ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ҳисобланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дт 51106 Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлари бўйича фоизли харажатлар

Кт 22402 Депозит мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар

Банклар ўз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета ассигнованиялари доирасида амалга оширадilar. Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета ассигнациялари ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабригача ўтказилиши лозим.

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлими ўз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета доирасида амалга оширадilar. Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банклар томонидан балансда куйидаги тегишли ҳисобварақлар юритилади: 56100-»Банк хизматчиларининг иш хақи ва улар учун сарфланган бошқа харажатлар», 56200-»Ижара ва сақлаш», 56300-»Хизмат сафари ва транспорт харажатлари», 56400-»Маъмурий харажатлар» ва шу кабилар. Бу ҳисобварақларга фақат ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда қилинган харажатлар киритилади.

Келгуси йиллар сметалари ҳисобидан банкнинг операцион харажатлари учун қилинадиган харажатлар ҳисоби 19925-»Олдиндан тўланган харажатлар» ҳисобварағида юритилади. Бу ҳисобвараққа йил охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш хақи, хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар, келаси йил учун газетага обуна булиш харажатлари, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан урни копланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси ва шу кабилар ўтказилади. Янги йилнинг дастлабки кунларида шу йилга тааллуқли харажатлар «Олдиндан тўланган харажатлар» номли 19925-ҳисобварақдан куйидаги тегишли иккинчи тартиб ҳисобварақларига «Иш хақи» номли 56102, «Даврий нашрлар, китоблар, газеталар» номли 56418, «Ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш» номли 56214-ҳисобварақларга ва тижорат банкларидаги бошқа тегишли ҳисобварақларига ўтказилади.

Амалиёт объекти ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ишчиларга иш ҳақиға ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали расмийлаштирилади:

Дт 56102 - Иш ҳақи

Кт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ишчилар ва ходимларга овқат пули ва йўл кира ҳисобланганда:

Дт 56106 Банк хизматчилари учун имтиёзлар

Кт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ишчиларига касаллик варақасига иш ҳақи ҳисобланди:

Дт 56195 Банк хизматчилари учун қилинган бошқа харажатлар

Кт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ишчи ва ходимларга моддий ёрдам ҳисобланди:

Дт 56118 - Ижтимоий ҳимоя бўйича харажатлар

Кт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ходимлардан жисмоний шахслар даромад солиғи ушланди:

Дт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

Кт 29806- Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ишчиларидан пенсия фондига ажратма ушланганда:

Дт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

Кт 29810 - Пенсия фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ишчилардан Бирлашган касаба уюшмасига 1 фоизли ажратма ушланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилди:

Дт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

Кт 29812 - Бандлик фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ишчиларининг қўлга тегадиган иш ҳақи пластикка ўтказилганда:

Дт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

Кт 29801 - Мижозларга тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоб-китоби

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ишчилар иш ҳақи касса орқали тўланганда:

Дт 29803 - Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар

Кт 10101 - Айланма кассадаги нақд пуллар.

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ходимларга ҳисобланган иў ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағлар банкнинг операцион харажатларини аксарият қисмини ташкил этади. Жумладан 2011 йилда банк ходимларига ҳисобланган иш ҳақи 293311217,81 сўмни, ягона ижтимоий тўловга ажратма 90838162,4 сўмни ташкил қилган. Бундан ташқари банк ходимларига моддий ёрдам, турли мукофотлар ҳамда йўл кира ва овқат пули берган. Бу эса банкнинг операцион харажатлари таркибида ҳисобга олинган.

Тижорат тижорат банкларининг энг катта даромадлари манбаи бўлиб, қисқа ва узоқ муддатли ссудалардан олинган фоизли даромадлари ҳисобланади. ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида 2011 йил якуни бўйича фоизли даромадлари 1065525382,54 сўмни ташкил этган. Бу фоизли даромадларни юридик ва жисмоний шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоиз шаклидаги даромадлари ҳамда шахсий жамғариб бориладиган мажбурий пенсия жамғармаси маблағларини инвестиция қилишдан келган фоизли даромадлари шакллантирган.

Тижорат тижорат банкларида ссудалар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисобланади ва 16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағида акс эттирилади.

16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи тижорат тижорат банклари амалиётида энг кўп ишлатиладиган ҳисобварақ ҳисобланади. ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида фоизлар

ҳисобланганда, лекин ундирилмаган вақтда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи

Кредит 42601 – “Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудалар бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағи

Фоизлар суммаси ундирилганда эса қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 20208 - Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлари

Кредит 16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи

Шу билан 16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи ёпилади.

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизлар ҳисобланганда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи

Кредит 44601 – “Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағи

Фоизлар суммаси ундирилганда эса қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 20208 - Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлари

Кредит 16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи

Шу билан 16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи ёпилади.

Тижорат тижорат банклари қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлардан ташқари бошқа фаолиятлардан ҳам даромад олишлари мумкин. Бундай даромадларга молиявий (лизинг) ижара, мижозларнинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш, қимматли қоғизлар билан амалга оширилган РЕПО операцияси бўйича, тижорат банкнинг хусусий мулкни сотишдан ва бошқа даромадлардан олиши мумкин.

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида мижозларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини, жумладан инкасса операцияларини бажаради. Инкасса операцияларини бажарганлик учун ҳақ тўланганда бу операция қуйидагича бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дебет 20208 – “Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг талаб қилиб олинган сақланадиган депозитлари” ҳисобварағи

Кредит 45257 – “Мижозларнинг инкассо операциялари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар” ҳисобварағи

Тижорат тижорат банклари кредитлар бўйича кафалат ва кафиликлар бериши бўйича операцияларни амалга оширишда хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай хизматларни кўрсатганлиги учун тижорат банк томонидан кўрсатганлиги учун кўрсатганлиги учун тижорат банк томонидан белгиланган миқдорда ҳақ ундирилади, бу ҳақ ҳам тижорат банкнинг фоизмиз даромади ҳисобланади.

Дебет 20208 – “Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг талаб қилиб олинган сақланадиган депозитлари” ҳисобварағи

Кредит 45261 – “Кафолатлар ва кафиликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар” ҳисобварағи

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида тижорат банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномаларга асосан фоизлар ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар бўйича бухгалтерия проводкаси эса қуйидагича амалга оширилади:

Дебет – 50108 “Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг талаб қилиб олинган сақланадиган депозитлари бўйича фоизли харажатлар” ҳисобварағи

Кредит – 22402 “Депозит мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи

Ҳисобот йили охирида бу харажатлар даромад ҳисобидан қопланади ва қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет – 31206 “Соф фойда (ёки зарар)” ҳисобварағи

Кредит – 50108 “Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари бўйича фоизли харажатлар” ҳисобварағи.

51600 – “ЎзРМБининг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар” ҳисобварағида Марказий банкка тўланадиган фоизли харажатлар қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

51601 – “Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи бўйича фоизли харажатлар-Востро” ҳисобварағи

51606 – “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи бўйича фоизли харажатлар- Ностро, овердрафт” ҳисобварағи

51611 – “Марказий банкнинг депозитлари бўйича фоизли харажатлар” ҳисобварағи

Бу ҳисобварақлардан Марказий банк ҳисобварағи ёки депозитлари қолдиқ суммаларига ҳисобланган фоизлар харажат қилиниб, ДТ «Халқ банк» Наманган шаҳар бўлимида бухгалтерия проводкаси қуйидагича бўлади:

Дебет 51606 – “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи бўйича фоизли харажатлар- Ностро, овердрафт” ҳисобварағи

Кредит 10301 – “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро” ҳисобварағи

Бу харажатлар йил охирида фойда ҳисобидан қопланади, бухгалтерия проводкаси қуйидаги кўринишда бўлади:

Дебет – 31206 “Соф фойда (ёки зарар)” ҳисобварағи.

Кредит – 51606 – “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи бўйича фоизли харажатлар- Ностро, овердрафт” ҳисобварағи

Бошқа тижорат банкларга тўланадиган фоизли харажатлар 52100 – “Бошқа тижорат банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар” ҳисобварағида юритилиб, ўз ичига учта ҳисобварақни олади:

52101 – “Бошқа тижорат банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар – Востро” ҳисобварағи.

52106 – “Бошқа тижорат банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар – Ностро” ҳисобварағи.

52111 – “Бошқа тижорат банкларнинг дерозитлари бўйича фоизли харажатлар” ҳисобварағи.

Бу ҳисобварақлардан бошқа тижорат банклар вакиллик ва дерозит ҳисобварақлари қолдиқларига ҳисобланган фоизлар харажат қилиниб, йил охирида тижорат банк фойдасидан қопланади:

Дебет – 52100 “Бошқа тижорат банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар” ҳисобварағи.

Кредит – 10301 “Тижорат банкнинг вакиллик ҳисобварағи” ҳисобварағи.

Харажатни ёпиш эса қуйидаги проводка орқали амалга оширилади:

Дебет – 31206 “Соф фойда (ёки зарар)” ҳисобварағи

Кредит – 52100 “Бошқа тижорат банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар” ҳисобланади.

Бошқа фоизли харажатлар ҳисобварақлар режасидаги 54902 – “Бошқа фоизли харажатлар” ҳисобварағи юритилади. Бу ҳисобварақдан харажат қилинса, йил охирида у ҳам фойда ҳисобидан, яъни 31206 “Соф фойда (ёки зарар)” ҳисобварағидан ёрилади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қуйидаги кўринишда бўлади:

Дебет – 31206 “Соф фойда (ёки зарар)” ҳисобварағи

Кредит – 54902 “Бошқа фоизли харажатлар” ҳисобварағи

Тижорат банкнинг фаолиятида фоизли харажатлар билан бирга фоизсиз харажатлари ҳам қилинади. Тижорат банкларда фоизсиз харажатларнинг энг катта қисмини комиссия харажатлар ташкил қилади. Комиссион харажатлар тижорат банк операциялар учун кўрсатилган хизмати доирасида тўланадиган фоизсиз харажатлардир. Комиссион харажатлар билан боғлиқ бундай тўловларга ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида бухгалтерия проводкаси қуйидагича берилади:

Дебет – 55100 “Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар” ҳисобварағи.

Кредит – 20608 “Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг муддатли депозитлари” ҳисобварағи.

Йил охирида бу фоизсиз харажатлар ҳам тижорат банкнинг фойдаси ҳисобидан қопланади.

Иш ҳақи тижорат банк ходимларига фақат ишланган вақт учун ва белгиланган муддатларда, ойига икки марта: ойнинг биринчи ва иккинчи ярми учун тўланиши лозим. Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақининг барча турлари иш ҳақи фондига киритилади.

Тижорат банк ходимларига бериладиган мукофотлар 56106 – “Тижорат банк хизматчилари учун имтиёзлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Бу харажатларнинг барчаси ходимларни моддий рағбатлантириш учун қилинади ва йил охирида фойдадан қопланади:

Дебет – 31206 “Соф фойда (ёки зарар)” ҳисобварағи.

Кредит – 56102 – “Иш ҳақи” ҳисобварағи

56202 – “Ижара тўлови” ҳисобварағи харажатлари йил охирида тижорат банкнинг фойдаси ҳисобидан ёрилади.

56302 – “Хизмат сафари харажатлари” ҳисобварағида тижорат банк ходимларининг сафар ва транспорт харажатлари ҳисобга олиб борилади. Бу харажатлар ҳам тижорат банк фаолиятининг асосий харажатларидан бири ҳисобланиб, йил охирида фойда ҳисобидан ёрилади.

Дебет – 31206 “Соф фойда (ёки зарар)” ҳисобварағи.

Кредит – 56300 “Хизмат сафари ва транспорт харажатлари” ҳисобварағи.

56400 “Маъмурий харажатлар” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган маъмурий харажатлари ҳам серқирра бўлиб, бу харажатларга тижорат банк фаолиятини реклама қилиш, канцелярия, офис, почта, телефон, факс хизматларидан фойдаланиш, газета, журналларга обуна бўлиш, тижорат банк учун зарур бланкаларни босмахонадан чиқариш билан боғлиқ харажатлар киради. Бу харажатлар ҳам йил охирида тижорат банк фойдаси ҳисобидан қопланади.

Юқорида келтирилган операцион харажатларнинг ҳаммаси йил охирида тижорат банк фойдаси ҳисобидан ёрилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат тижорат банклари жуда кўплаб операцияларни бажаради ва хизматлар кўрсатади. Бундай хизматларни натижасида даромадлар оладилар ва тегишли харажатларни амалга оширадилар.

Биз юқорида ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш тартиби билан танишиб чиқдик. Йилнинг охирида ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида даромад ва харажатлари ўзаро солиштирилади ва у асосида фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот тайёрланади.

#### **2.4. ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида банк самарадорлигини яхшилаш йўллари ва имкониятлари.**

Республикамиз олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётда банк-молия тизимини ролини ортишига олиб келди. Бугунги кунга келиб иқтисодиётни турли секторларида банк хизматиغا бўлган талабни ортиши тижорат банкларини модернизациялашни талаб этмоқда. Маълумки, Бозор иқтисоди шароитида тижорат банклари жамиятнинг молиялаштириш манбаларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи асосий кредит институти ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётни бозор қонунлари асосида бошқариш жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи механизмлардан бири бу тижорат банкларидир. Тижорат банклари нафақат иқтисодий инфратузилмани, балки, ижтимоий инфратузилмани ҳам молиялаштиради.

Бугунги кунда тижорат банклари актив операциялари даромадлилигини таъминлаш ва унинг амалдаги ҳолати ўрганган ҳолда актив операциялардан оладиган даромадларини ошириш йўллари қидириб топиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Жумладан амалиёт объекти ҳисобланган ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ҳам шу муаммолар кўзга ташланиб қолмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари ўз активларини рентабеллилигини таъминлаш куннинг биринчи масаласига айланмоқда. Ушбу мақсадга эришиш учун тижорат банклари ўз активларини оқилона жойлаштиришлари ҳамда активлар самарадорлигига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар тўғри баҳолашлари зарур ҳисобланади. Ташқи омиллар бу ҳалқаро ва мамлакатдаги умумиқтисодий ва ижтимоий ҳолат билан боғлиқ бўлган омиллар бўлса, ички омиллар бу бевосита банкга таалукли бўлган, активларни бошқариш билан боғлиқ бўлган омиллардир.

Банклар депозитларининг таркибида биринчи ўринни талаб қилингунга қадар бўлган депозитлар эгаллайди. Шу сабабли “Ностро” вакиллик ҳисобварағида йирик миқдорда пул маблағларини ушлаб туришга мажбур

бўладилар. ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ҳам ушбу муаммолар мавжуд бўлиб, банкнинг Марказий банкдаги вакиллик счётида пул маблағларини етишмовчилигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли банкнинг айрим мижозлари ўз ҳисобварақларини бошқа тижорат банкларига кўчиришга мажбур бўлмоқдалар. Бу эса банкнинг даромадларини камайишига олиб келмоқда.

Тижорат банклари ҳозиргача ихтисослашган характерга эга. Банкларнинг бундай ихтисослашуви ҳам уларнинг активларининг самарасини камайишига ва сифатини пасайишига олиб келмоқда. Бу ҳолатни ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки, пенционерларнинг аксарияти ушбу банкдан пенцияларини олишлари банкнинг даромадларига таъсир кўрсатмоқда.

Бизнингча бозор иқтисодиёти шароитида ихтисослашган тижорат банкларини универсал тижорат банкларига айлантириш ҳам активларини бошқарувини юқори сифатлилигини таъминлайди.

Банкнинг даромадларига банк кредит сиёсатини паст савияда ишлаб чиқиш, етарли даражада резервларини ташкил этмаслик, эҳтимоли бор рискларни ҳосил бўлишини олдини олиш чора тадбирларин ишлаб чиқмаслик натижасида салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тижорат банкларида активларни бир хил тармоққа йирик миқдорда жойлаштирмасдан уларни тармоқларнинг самарадорлигига қараб жойлаштириш банк даромадларини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари активларининг асосий муаммоларидан - кредит портфелининг сифатини пастлигидир.

Жаҳон банк амалиётидан шу нарса маълумки, банк кредитлари аксарият қисмини битта секторда тўпланиши одатда банк фаолияти таназзулга учраши мумкин. Чунки, тармоқда фойда нормасининг пасайиши бу корхоналарга берилган кредитларнинг қайтмаслик ҳолатларини юзага келтиради. Шунинг учун тижорат банклари ўз активларини турли тармоқларга жойлаштириши банк даромадличилигини таъминлаб беради деб ҳисоблаймиз

Банклар учун ресурслар муаммоси капитални йўналтириш соҳасининг торлиги анча мураккаблаштирмоқда. Ҳозирча қимматли қоғозлар бозори кучсиз ривожланган, валюта операцияларни амалга ошириш имконияти анча чегаралангандир. Кўпгина банклар учун замонавий банк техника воситалари қимматлилиги сабабли сотиб олиш имконияти йўқ, шунинг учун банк хизматини кенгайтириш имконияти чегараланган ва капитални йўналтириш соҳоси бу кредит операцияларини амалга ошириш бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда кредитлаш шароитида тўловга ноқобиллик муаммосини ҳал қилиш учун марказлашган ягона реабилитацион -инвестиция фондини (РИФ) ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, бўлур эди. Унинг асосий мақсади муддати узайтирилган кредитларни реструктуризациялаш бўлади. Бу фонд банклар билан ҳам, қарздор корхоналар билан ҳам биргаликда фаолият олиб бориши, банкларнинг муддати узайтирилган қарзларини жалб қилиши ва уларнинг балансларини соғломлаштиришга кўмаклашиши, шунингдек, қарздор корхоналарда санацянни амалга ошириши керак.

Бугунги кунда мавжуд бўлган корхоналарни санацян қилиш бўйича давлат органи ўз фаолиятида банк кредитлари бўйича амалга оширилмаган тўловларни бартараф қилишда пайдо бўладиган барча муаммоларни қамраб олмайди.

Муддатида қайтмаган ссудаларни бошқариш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, унинг асосий сабабларидан бири мижозларни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш тизимидаги камчиликлардир.

Ҳозирги кунга қадар мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш асосан 3 та асосий кўрсаткич асосида амалга оширилар эди. Булар — қоплаш коэффиценти, ликвидлилик коэффиценти ва мухторлик коэффицентларидир. Ушбу кўрсаткичлар кредитга лаёқатлиликнинг асосий омили бўлган пул оқимини баҳолаш имконини бермайди. Холбуки, пул оқими заиф бўлган мижозлар кредитни қайтаришда жиддий қийинчиликларни бошидан ўтказадилар. Бундан ташқари республикамиз банк амалиётида ҳозирги кунга қадар кредит олувчининг шахси асосий

кузатув объекти сифатида ўрганилмайди. Хорижий мамлакатларда эса ҳар бир мижоз шахси бўйича маълумотлар тўплаб борилади, мижознинг кредит тарихи ўрганилади, унинг репутациясига баҳо берилади. Бунинг натижасида мижознинг ўз мажбуриятини бажаришга бўлган масъулияти аниқ бўлади.

Шу билан бирга, аксарият қарз олувчиларнинг оддий иш ҳужжатларини юритиш борасида тажрибага эга эмаслиги, уларнинг реал бизнес-режани тайёрлаш, асосланган кредит талабномаси тузишни билмасликлари, ўзининг кредитга лаёқатлилигини исботлай олмаслиги, яъни банкга ссудани қайтариш юзасидан тегишли кафолат ёки реал мажбуриятларни тақдим эта олмаслиги ҳам реал секторнинг банклар томонидан тижорат асосида етарли даражада кредитланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Кўпинча қарз олувчилар кредит сўраб банкга мурожаат қилганларида, уни ҳар қандай тўсиқларсиз олишдан умидвор бўладилар. Шу билан бирга, улар ўзларининг бир фаолиятларини режалаштирган вақтларида зарур кредитларнинг реал миқдорларини банкка олдиндан маълум қилиб кўйишлари кераклигини ҳисобга олмайдилар.

Фақат ана шундай ишончли ахборотгина банкнинг ўз портфелини мижознинг эҳтиёжларини тўлик, ва муддатида қондирадиган қилиб ташкил этишига имкон беради.

Банк асосан аҳоли, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар маблағлари билан операцияларни амалга оширади. Яъни, кредит бера туриб, у муайян кредит рискинни зиммасига олган ҳолда, ўз мижозларининг вақтинча бўш тўрган маблағларини кредиторга беради. Тўловлар кечиктирилган ёки қарз олувчи кредитни қайтармаган тақдирда банк бошқа мижозлар олдида ўз мажбуриятларини бажариш имкониятини йўқотади. Яъни корхона ўз ҳисобварағда бўш тўрган маблағлари бўла туриб, ўз харажатларини тўлай олмайди. Мижозлар эса ўз омонатларини қайтариб ололмайдилар. Бу албатта, банкга нисбатан табиий норозиликларни келтириб чиқаради.

Банклар кредитларига доир қарздорлик сабабларидан яна бири шуки, кредитлаш жараёни билан юзаки таниш корхона ёки тадбиркор реал бизнес-

режа ишлаб чиқишга ва уни амалга оширишга қодир бўлмайдилар, улар шахсий имкониятларини баҳолашга тайёр эмаслар, бозорни зарур даражада ўрганиб чиқмайдилар, кредитдан мақсадли фойдаланмайдилар ва банк олдида масъулиятни ҳис қилмайдилар. Бундай қарз олувчилар кредитларга доир тўловларни кечиктириш ёки уларни қайтармаслик билан нафақат банкга балки худди унингги ўзи каби тадбиркорлар ёки ташкилотларга зарар етказаётгани ҳақида ўйлашмайди.

Кредитни ўз вақтида қайтариш жараёни уни қандай мақсадларга олинаётганлигига кўп жиҳатдан борлиқ. Айрим мижозлар кредитни бошқа тадбирларни молиялаштириш мақсадларига ишлатадилар. Натижада олинган пул тушуми кредитни қайтариш имконини бермайди.

Тижорат банкларининг даромад ва харажатларини шаклланиши ва молиявий натижаларини яхшилаш юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғи иложи борича юқори бўлишига эришиш лозим, чунки банк даромади шу активлар салмоғига боғлиқдир.

2. Банклар кредит портфели салмоғида қисқа муддатли кредитлар асосий қисмни ташкил қиляпти. Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар салмоғини кўпайтиришга эришиш керак, чунки бўш кредитлар ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги ишлаб чиқариш жойларини вужудга келтиришда муҳим рол ўйнайди.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар қийматини талаб ва таклиф белгилаши керак. Банк хизматлари ҳам товардир. Марказий банк томонидан қайта кредитлаш ставкасининг белгиланиши банклар ставкасини бозор талабларига мос эгилувчанлигини маълум маънода чегаралаб қуймоқда.

4. Банклар ўз активларини қимматли қоғозлар инвестициясига салмоғини ошириши керак, айниқса корпоратив қимматли қағозларга, бу эса мамлакат иқтисодиёти ривожланишига ижобий таъсир қилади.

5. Банк ликвидлигини сақлаш учун юқори ликвидли активлар бўлиши керак. Ана шу активларда нақд маблағлар миқдорини камайтириб,

ликвидлиликни юқори ликвидли ва даромад келтирувчи активлар ҳисобига таъминлаш.

6. Ўзбекистон тижорат банклари кассали активлар салмоғи банк активлари умумий ҳажмида юқориликча қолмоқда.

7. Республиканинг етакчи тижорат банклари кредит портфелини диверсификациялаш заифликча қолмоқда.

8. Тижорат банклари даромад келтирмайдиган активларининг салмоғини ошиши, банкнинг ресурслар базасидан самарасиз фойдаланилаётганидан далолат беради.

## **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтганда, республикаимиз иқтисодиётида тижорат банкларининг тутган ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида ўз ифодасини топган. Тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш қоидалари бугунги кунда халқаро андозаларга мос келадиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномасида батафсил ёритиб берилган бўлиб, ушбу йўриқнома ва Марказий банкнинг бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида тижорат банклари ўзларининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқадилар.

Бугунги кунда банклар жуда кўплаб замонавий операцияларни бажаради ва хизматлар кўрсатади. Бундай хизматларни натижасида даромадлар оладилар ва тегишли харажатларни амалга оширадилар. Тижорат банкларининг даромадларини ҳисобга олиб бориш учун тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасининг даромадлар деб номланган 4-бўлими бағишланган. Ушбу бўлимда банк даромадларини турлари бўйича операцияларни батафсил ҳисобда акс эттришиш имконини берадиган ҳисобварақлар мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда банк даромадлари фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинган.

Маълумки, банкнинг операцион харажатлари бош банк томонидан белгиланган сметалар чегарасида амалга оширилади. ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида операцион харажатларни самарали бошқариш ҳамда тежамкорли фойдаланиш учун иқтисод қилган бўлимга моддий рағбатлантириш жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида мижозларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бўлганлигини инобатга олиб, кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални

шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши натижасида даромадларни ошириш имконияти мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Банкларнинг операцион харажатларининг салмоқли қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ташкил этади. Ушбу харажатларни самарадорлигини ва ҳар бир ходим банкка даромад келтиришини таъминлаш учун иш ҳақини ўзгармас ва ўзгарувчан қисмларга бўлиш керак деб ҳисоблаймиз. ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида иш ҳақини 70 фоизни ўзгармас, 30 фоизини ўзгарувчан қилиб бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иш ҳақини ўзгарувчан қисмини режа топшириқларини бажарилишига боғлиқ ҳолда берилиши, ҳар бир ходимдан режани бажарилишига ундайди. Натижада эса ҳар бир бўлимни режа топшириқларини бажарилишини таъминланади ва ўз навбатида банк даромадларини ортишига ўз хиссасини қўшади.

Ғарб иқтисодий адабиётида тижорат банки харажатларини ички тақсимлаш масаласини илмий асосда ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда асосий эътибор банкнинг ҳар бир функционал ва ҳудудий бўлинмасининг ялпи фойдани юзага келтиришдаги иштирокини ва ялпи харажатлардаги салмоғини аниқ белгилашга қаратилади. Характерлик томони тижорат банкларининг бевосита фойда келтирадиган бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган, лекин ўзи даромад келтирмайдиган бўлинмаларининг оқилона харажатлари миқдорини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Республикамиздаги тижорат банкларида ҳам харажатларини меъёрлаштириш даражасини ишлаб чиқилса, ортиқча харажатларни олди олинади.

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи қолдиғини ижобий бўлишини таъминлаш учун уни доимий назорат қилиб туриш талаб этилади. Буни ижобий бўлиши учун банк активларини самарали жойлаштириш ва уни меъёр даражасини аниқ ишлаб чиқиш керак.

ДТ «Халк банк» Наманган шаҳар бўлимида банк фаолиятини таҳлил қилиш, банк фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Бунда банк фаолиятини таҳлил қилиш орқали, йўл қўйилган камчиликлар аниқлаш ва фойдаланилмаган ички резервларни қидириб топиш имкони яратилади.

Юқорида айтиб ўтилган хулоса ва таклифлар амалиётга тадбиқ этилса, тижорат банкларида даромад ва харажатларни аниқлаш ва уларни ҳисобга олиш янада такомиллашади ҳамда тижорат банкларининг яқуний соф фойдасини ошишига олиб келади деб ўйлаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни».Т., 1996 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни (2000 йил 26 май)
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т., 2008 йил.
5. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
6. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида” ги Қонуни. – Т.: “Адолат”. 2005 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 1998-йил 4-феврал.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2008-йил 20-феврал, ПФ-3968.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада еркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. “Ўзбекистон”. 2005-йил 10-июн.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-

- тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2007-йил июл. Банк ахборотномаси. 2007-йил 17-июл № 28.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидаги нақд пулдаги тўловларни узлуксиз тўминлаш кафолатлари тўғрисида” 2005-йил 5-августдаги ПҚ-147-сонли Қарори.
  13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил.
  14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”. 2010-йил.
  15. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон” 2005-йил.
  16. Абдуллайева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2007-йил.
  17. Абдуллайев Ё., Қоралиев Т.М., Тошмуродов Ш., Абдуллайева С. Банк иши. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009-йил.
  18. Вереманко С.А. Сюрпризы рейтинга коммерческих банков. Банковское дело. №2, 2005 г.
  19. Ключников М.В. Экономико-статистический анализ структуры и динамики показателей пассивных операций коммерческого банка. – М.: “Финансы и кредит”. 2002 г.
  20. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. – Т., ТМИ 2004.
  21. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: “Аскери”. 2007.
  22. Муллажонов Ф.М. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2010-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.//Бозор пул ва кредит. 2010-йил январ 1-сони.
  23. Наврузова К.Н. ва бошқалар. Банк ҳисоби. “Фан ва технологиялар”. – Тошкент. 2007-йил .
  24. Рашидов Ў.Ю. Пул, кредит ва банклар – Т.: ТДИУ, 2008-йил.

25. Ширинская З.Г. Нестерова Т.Н. Учет и операционная техника в банках. – М.: “Перспектива” 2007.
26. “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва еркинлаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги ИИ республика анъанавий илмийамалий конференцияси материаллари. Тошкент. 2007-йил.
27. Бош Депозиторлар Миллий Ахборот Базаси ва унда мижозларга ҳосрақам бериш ҳақидаги 1145-сонли Низом. . 2002 йил 30 май
28. Банк молия тизимидаги ислоҳотларга бағишланади. // Банк ахборотномаси 2008-йил. №16.
29. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008-йил.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2008-йил 13-декабрдаги 28-4 сонли Қарори билан тасдиқланган йўриқнома.
2. Тижорат банклари фоизларни ҳисоблаш тўғрисидаги Низом. 1306-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. 2004-йил 30-январ.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. 2005-йил. (2006-2010-йиллардаги ўзгаришлари билан).
4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. 2005-йил. (2006-2010-йиллардаги ўзгариш-лари билан).
5. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишни ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008-йил 3-майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган 1834-сонли йўриқнома.

6. Ўзбекистон Республикасида “Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида”ги 11/22- Низом. 2002-йил 12-январ (2002-2010 йилдаги ўзгаришлари билан).
7. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги 1-сонли йўриқнома. 2009-йил 16-март 7/2-сонли қа-рори билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2009-йил 27-апрелда давлат рўйхатидан ўтказилди).
- 8.Тижорат банкларида касса ишини ташкил қилиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома” Рўйхат рақами 1831, 2008-йил 27-июн, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008-йил, 26-27-сон.
- 9.Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом. Рўйхат рақами 1545, 2006-йил 14-феврал.

#### **Интернет сайтлари**

[www.lex.uz/](http://www.lex.uz/)

[www.scu.uz/](http://www.scu.uz/)

[www.microfinance.uz/](http://www.microfinance.uz/)

[www.uzreport.com](http://www.uzreport.com).

[www.banking.com](http://www.banking.com)